



## ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Таштемиров Анвар Аликулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти.

Комилов Азизбек Мансурбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11211525>

### ARTICLE INFO

Received: 9<sup>th</sup> April 2024

Accepted: 11<sup>th</sup> May 2024

Published: 17<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*одам савдоси, жиноят, қарши  
кураш, қуллик.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада одам савдоси жиноятига қарши  
курашишни такомиллаштиришга оид ҳуқуқшунос  
олимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган  
бўлиб, муаллифлар томонидан ушбу жиноятга қарши  
курашишни самарали ташкил этишга оид тавсиялар  
ишлаб чиқилган*

Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этади. Ҳозирга қадар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий феъл-атворга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида”ги [1] Конвенция (1949), “Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги [2] қўшимча Конвенция (1956), “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида”ги Конвенцияни тўлдирувчи “Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида”ги баённома (2000) бу борада дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Миллий қонунчилигимизда, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалаларига оид бир қатор ўзгаришлар халқаро ҳуқуққа мос равишда ўзгармоқда. Хусусан, 2019-2020 йилларда мазкур йўналишлардаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бундан ташқари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг 6 та Конвенция ҳамда протоколлари ратификация қилинди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Одам савдоси – деганда, куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа

шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади. Одамлардан фойдаланиш – бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади[3].

Дунё миқёсида ҳар йили 4,5 миллиондан зиёд киши одам савдоси қурбони бўлади. Ачинарлиси, уларнинг 1,2 миллиондан зиёди болалардир[4]. Одам савдоси иллати жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган XXI асрнинг жиддий муаммолардан биридир. Меҳнат миграцияси ҳамда ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бермоқда. Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу иллат билан курашишда нафақат давлат ташкилотлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳам манзилли ишларни амалга оширмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, бутун дунёда 21 миллион киши мажбурий меҳнатнинг жабрланувчилари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш соҳасида қўйдаги халқаро ҳужжатларга қўшилганлигини санаб ўтишимиз мумкин БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йил 21-мартда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 2003 йил 12-декабрда қўшилган[5].

Жиноят кодексининг 135-моддасида кўрсатилган жиноят формал таркибли жиноятларга тааллуқли бўлиб, ёлловчи билан жабрланувчи ўртасида оғзаки ёки ёзма шаклдаги битим тузилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Бунда айбдор шахс фақат “ёллаш” бўйича жиний жавобгарликка тортилади. Жиноятнинг кейинги босқичлари амалга оширилишига қараб айбдорларни ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш учун ва бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўйича жавобгарликка тортилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги 2008 йил 17-апрель Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси билан боғлиқ 135-моддасининг янги таҳрири (ўзгартирилган ва айнан одам савдоси жиноятини квалификация қилиш учун мослаштирилган) асосида амалга оширилмоқда. Юқоридагилар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5-ноябрдаги қарори билан “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация Маркази” ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Б.Аминқуловнинг фикрича, бу жиноятнинг асосий сабаби ишсизлик, билим етишмаслиги, маънавий қашшоқлик, очкўзлик, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйиш ва нафсига қул бўлиш кабилардир. Бу салбий ҳодиса глобал жараён сифатида бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Афсуски, фуқароларимиз ҳам одам савдоси қурбонларига айланиб қолмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган

ва ундан жабр кўрган ҳамюртларимизни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Одам савдоси қурбонларига айланган шахсларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларни ижтимоий, иқтисодий ва тиббий-руҳий жиҳатдан реабилитация қилиш давлатимизда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади [6]

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб, мамлакатимизда одам савдоси жиноятларига қарши кураш бўйича эътиборли ишлар амалга ошириляётганлигини, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш бўйича чора-тадбирлар амалда қўлланиляётганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Содир этилган жиноятни тўғри малакалашни таъминлаш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Жиноятни малакалашда қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати, одил судловни амалга ошириш принциплари зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конвенция ООН О борьбе с торговлей людьми и с эксплуатацией проституции третьими лицами. Нью-Йорк, 21.03.1950 г. <https://lex.uz/docs/2102200>.
2. Дополнительная Конвенция об упразднении рабства, работорговли и институтов и обычаев, сходных с рабством. Принята Конференцией полномочных представителей, созванной в соответствии с резолюцией 608 (XXI) Экономического и Социального Совета от 30.04.1956 года и составлена в Женеве 7.09.1956 года. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/supplementconvention\\_slavery.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/supplementconvention_slavery.shtml).
3. Юлдашев Ш. Н. Одам савдоси ва унга барчамиз биргаликда курашишимиз керак // *ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali*. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 186-189.
4. <https://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=34452>
5. Ахмедов А. Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари // *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 120-123.
6. Аминқулов Б.И. Замоनावий дунёда аср вабоси ва жамият ҳаётига таҳдид сифатида-одам савдоси // *ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali*. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 16-18.
7. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни // *Международная конференция академических наук*. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
8. Қушбоқов Ш., Самадов М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни // *Science and innovation in the education system*. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
9. Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш // *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*. – 2023. – Т. 3. – №. Special Issue. – С. 112-114.
10. Qushboqov S. Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil // *Центральноазиатский журнал образования и инноваций*. – 2023. – Т. 2. – №. 2 Part 2. – С. 49-52.

11. Қушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
12. Қушбоқов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
13. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
14. Qushboqov S., Mamatova D. yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
15. Охунов, З., & Қушбоқов, Ш. (2022). Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 2(11), 34-39.
16. Qushboqov S., Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
17. Охунов З., Қушбоқов Ш Т. Т. С. Э. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
18. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 67-69.
19. Qushboqov S. X., Usipbekov N. J. Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 179-182.